



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 28 февраль, шанба, №23 (3669).



»» Президент

ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ ҚАҲРАМОНИ ШАРАФЛАНДИ



Президент қароргоҳида мамлакат спорти тарихидаги муҳим воқеа – бадийи учиш бўйича жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари ғолиби Михаил Шайдоров ҳамда унинг мураббийлари тақдирланди.

Тантанали маросимда Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев ушбу Олимпиада мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Юртбоши Шайдоровнинг ғалабаси миллий спорт соҳасига зарҳал ҳарфлар билан битилганини қайд этди.

Президентнинг таъкидлашича, бу – мамлакат бадийи учиш усталари қўлга киритган илк Олимпия олтини ҳамда 32 йил давомида қутилган тарихий

натижа бўлди. ва мутахассисларнинг самарали меҳнати маҳсулидир.

Тантанали маросимда спортчининг биринчи мураббийи ва отаси Станислав Шайдоровнинг хизматлари алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, халқаро миқёсда катта тажрибага эга мураббий Алексей Урманов ҳамда миллий терма жамоа мутахассислари, федерация ва ҚР Олимпия кўмитаси раҳбариятининг ҳиссаси қайд этилди.

Давлат раҳбари спорт соҳасини ривожлантириш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб, келгусида оммавий ва касбий спортни қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини маълум қилди. Шу билан бирга, халқаро мусобақаларда эришилган натижалар давлат тараққиёти ва жамият салоҳиятининг муҳим кўрсаткичи экани қайд этилди.

Уз нутқида Президент келгуси йили спорт тадбирларига тўхталиб, спортчиларга омад тилади. Шунингдек, 2029 йилда Алмати шаҳрида ўтказиладиган қишки Осиё ўйинларига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Тадбир якунида Михаил Шайдоров ва мураббийларига давлат мукофотлари топширилди.

Олимпия чемпиони ўз сўзида мамлакат раҳбариятига ва барча қўллаб-қувватлаган юртдошларга миннатдорлик билдирди ҳамда ғалаба келажакдаги янги ютуқлар учун масъулият эканини таъкидлади.

Шу тариқа, Олимпия ўйинларида қўлга киритилган ушбу ғалаба мамлакат спорт ҳаётида янги саҳифа очди ва ёш авлод учун юксак мақсадлар сари илҳом манбаига айланди.

Akorda.kz маълумотлари асосида.

Эрқайсымыздың дауысымыз маңызды!

15 НАУРЫЗ МАРТА РЕФЕРЕНДУМ

«Жобасы бұқаралық ақпарат құралдарында 2026 жылғы 12 ақпанда жарияланған Қазақстан Республикасының жаңа Конституциясын қабылдайсыз ба?» мәселесі бойынша

Референдум азаматтардың ерікті қатысуы, ойын ашық білдіруі, сондай-ақ жалпыға бірдей, тең, төте және жасырын дауыс беру қағидаттары бойынша өткізіледі

Қазақстан Республикасының Орталық референдум комиссиясы

www.election.gov.kz

РЕСПУБЛИКАЛЫҚ РЕФЕРЕНДУМҒА ҚАТЫСУҒА ҚҰҚЫҒЫ БАР АЗАМАТТАРДЫҢ ТІЗІМІНЕН ӨЗІҢІЗДІ ҚАЛАЙ ТЕКСЕРУГЕ БОЛАДЫ



01

Әрбір азамат өзі туралы деректерді тексеруге құқылы



02

Азаматтар референдум учаскелерінде дауыс беру күніне 15 күн қалғанда (27 ақпаннан бастап) республикалық референдумға қатысуға құқығы бар азаматтардың тізіміне енгізілген деректердің дұрыстығымен таныса алады



03

Учаскелік референдум комиссиясы тізімдерді түзету немесе азаматтарды оған енгізу қажеттігі туралы өтінішті келіп түскен күні қарайды



1 март – Шукрона күні

Бирлік ва ҳамжисҳатлик – олий қадриятлар

Мустақиллик қўлга киритилгач, Қозоғистон опдида ўз тараққиёт йўлини белгилаш вазифаси турди. Бу йўлни танлаш учун, аввало эгамен давлат сифатида мамлакатнинг устувор тамойил ва қадриятларини аниқлаш зарур эди. Шу ўринда энг муҳим масалалардан бири – давлатчилик, яъни республика халқи ким, Қозоғистон жамияти қандай бўлиши керак, миллий ўзига хослик қандай асосда шаклланади, деган саволлар бўлди.

1991 йилда 16,5 миллион аҳоли таркибида 100дан зиёд этнос яшаган кўпмиллатли муҳит шароитида бу саволларга тўғри жавоб топиш мамлакат тақдирини белгилайдиган омилга айланди. Иқтисодий ва ижтимоий инқирозлардан чиқиш, барқарор тараққиётга қадам қўйишнинг ягона йўли – жамиятда тинчлик, бирлик ва ҳамжисҳатликни мустаҳкамлаш эди.

Ушбу гоёни амалга ошириш мақсадида 1995 йилда Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилди. У турли этник гуруҳлар ўртасида тотувлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, фуқароларнинг ягона сиёсий миллат сифатида шаклланишида ҳал қилувчи омилга айланди.

Ассамблеянинг ташкил этилган куни – 1995 йил 1 март. Дастлаб у Президент ҳузуридаги маслаҳат-кенгаш органи сифатида фаолият юритди. Унинг таянчи этномаданият бирлашмалари эди. Вақт ўтиши билан Ассамблея фаолияти кенгайиб, миллатлараро ҳамжисҳатликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий масалаларда кўмаклашиш, давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқотни таъминлаш вазифаларини ҳам ўз зиммасига олди.

А. АБДУФАТТОҲ.

Меҳр-оқибат ва инсоний қадриятлар байрами

Юртимиз тақвимида 1 март – алоҳида аҳамиятга эга сана. Бу кун – Шукрона куни, яъни миннатдорлик, меҳр-оқибат ва инсоний қадриятлар байрами сифатида нишонланади. У 2016 йилдан эътиборан расман нишонланмоқда ва Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилган сана билан уйғунлашган.

Бу байрам тарих синовларидан ўтган халқ хотираси, меҳр ва бағрикенглик рамзидир.

Ўтган асрнинг қатағонлик йилларида турли этнос вакиллари тақдир тақозоси билан Қозоғистон заминига келиб паноҳ топдилар. Шу йилларда депортация қилиниб, кўпчилик ўз уйдан, юртидан ажралган эди. Ана шундай мураккаб паллада уларни кучок очиб қарши олган қоқоқ халқи уларга бошлана бериб, охири нонини ҳам баҳам кўрди.

1 март – ана шу саховат ва инсонпарварликка таъзим кунидир. Бу – миннатдорликни юракдан изҳор этиш, ўтмиш сабоқларини унутмаслик куни.

Шукрона – миллатни бирлаштирадиган куч

Шукрона – бу оддийгина “раҳмат” сўзи эмас. У қалбдаги эҳтиром, ўтмишни қадрлаш ва келажакка ишонч рамзидир. Бу кун барча қозоғистонликларни бир дастурхон атрофида жамлайдиган маънавий кўприқдир.

Бугун бепоеён Қозоғистон заминида турли этнос вакиллари ягона оиладек ҳаёт кечирмоқда. Улар умумий чанғароқ остида Қозоғистон равнақи учун ҳамжисҳатликда меҳнат қилмоқда. 1 март ана шу бирликни яна бир бор ҳис этиш, инсонни инсонга яқинлаштириш кунидир.

Шукрона куни – тарихга эҳтиром, бағрикенгликка таъзим ва келажакка ишонч байрамидир. У меҳр устувор бўлган жамиятда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкам бўлишини эслатиб туради.

СТРАТЕГИК ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Жорий йилда вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ўтган йилга нисбатан 8 минг гектарга ортиб, 919 минг гектарни ташкил этди. Унинг 536 минг гектари ёзги, 208 минг гектари кузги экинларга, 175 минг гектари эса бедага тўғри келади.

Баҳорги дала ишлари вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеров раислигида ўтган мажлисда атрофлича муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари мутасадди бошқарма раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари дала ишларини сифатли ташкил этишни топшириб, ушбу масалалар назоратда эканлигини таъкидлади.

– Қишлоқ хўжалиги бўйича тасдиқланган кўрсаткичлар сифатли ва белгиланган муддатларда яқунлини зарур. Иш режаси мавжуд, давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Деҳқонларга берилган имтиёзлар ва имкониятларни кенг тушунтириш, молия ташкилотлари дала ишларига ажратилган маблағни мақсадли йўналтиришлари зарур. Сувни тежаш технологиясини жорий этиш ишларини белгиланган муддатда бажариш керак, – деди Нуралхан Қўшеров.

Мажлисда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари Файзулла Байдуллаев минтақадаги тайёргарлик ҳолати ва амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Жорий йилда экинлар таркибини ранг-баранглаштириш ва сув захираларидан унумли фойдаланиш мақсадида қатор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, пахта майдони 17 минг гектарга кенгайтирилиб, 162 минг гектарни ташкил қилди, маккажўхори 15 минг гектарга ортиб, 55,2 минг гектарга етказилди, махсари эса 16 минг гектарга кўпайиб, 85,4 минг гектарни ташкил этди. Сувни тежаш мақсадида шולי майдони 7 минг гектарга қисқартирилса, алмашлаб экиш талабларига мувофиқ, бугдойзорлар 25 минг гектарга камайитирилиб, 216,3 гектарни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасдиқлаган йўл харитасига мувофиқ, йил охиригача вилоятимизга 203,5 минг тонна минерал ўғит ажратилади. Бугунги кунда омборларда 25 минг тонна ўғит сақланмоқда. Уларнинг оммабоплигини таъминлаш мақсадида вилоят бюджетидан 9,5 миллиард тенге ажратиш кўзланиб, 134 тонна минерал ўғит субсидияланади.

Баҳорги дала ишларини молиялаштириш учун “Аграр насия корпорацияси” ХЖ орқали

36,8 миллиард тенге ажратиш кўзланган. Бугунги кунда 8,4 миллиард тенгелик аризалар маъқулланиб, 7,2 миллиард тенгеге 321та лойиҳа молиялаштирилди.

162 минг гектар пахта майдонини сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш учун 30 фоизли кафолат жамғармасини ҳисоблаганда, 4,7 минг тонна уруғлик чигит зарур. Бугунги кунда 1,6 минг тонна чигит тайёр бўлса, қолган 3,1 минг тонна пахта заводлари орқали импорт қилинади.

Вилоятимизда баҳорги дала ишларига 37,4 мингга техника шай. Хўжаликларда 16 мингга трактор, 3 мингга сўқа, 4 мингга дон сепувчи техника, 14 мингга тирма мавжуд. Давлат кўмаги натижасида ўтган йилда 1872та техника харид қилиниб, янгилаш ҳиссаси 9,2 фоизга етди.

Сувни тежаш технологияларини татбиқ қилиш бўйича республика режаси 27 минг гектарни ташкил қилса, имкониятлар инобатга олинган ҳолда уни 50 минг гектарга етказиш кўзланмоқда.

Хуршид ҚҶҶОРОВ.



»» 15 март – Республика референдуми

КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАРНИ БЕРАДИГАН ТАРИХИЙ ДАВР

Бугун мамлакатимизда кенг кўламли сиёсий ва тарихий ислохотлар амалга оширилмоқда. Яъни, мисли кўрилмаган, юртимизнинг истиқболлини белгилаб берадиган муҳим босқич остонасида. 15 мартга белгиланган республика референдуми давлатимизнинг тараққиёт йўлини аниқ белгилаб, келажакка мустаҳкам йўналиш берадиган тарихий имкониятдир. Бу – ҳар бир фуқаро мамлакат тақдирига бефарқ бўлмай, тараққиётга ўз овози билан ҳисса қўшадиган масъулиятли палладир.



Жорий йилда Қозоғистон Республикасининг янги таҳрирдagi Конституцияси қабул қилиниши мамлакат сиёсий-ҳуқуқий тизими тараққиётида навбатдаги муҳим босқич ҳисобланади. Чунки ҳаёт доим ҳаракатда, шу билан бирга сиёсий тизим, жамият тузилмалари ва қонунчилик ҳам замон талабига мос равишда янгиланиб бориши зарур. Бу жараён жамият эҳтиёжлари, институционал мувозанат ва давлат бошқаруви шаклининг замонавийлашуви яққол намоён бўлаётганининг исботидир.

Ислохотлар, аввало, вакиллик органлари родини кучайтириш, давлат идораларининг халқ олдидаги ҳисобдорлигини ошириш ҳамда ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни мустаҳкамлашга қаратилган.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциявий кафолатларни кенгайтириш, суд орқали ҳимоя дастақларини аниқ белгилаш ҳамда Конституциявий суд мақомини мустаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқий имкониятларини оширади. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг аҳамиятини кучайтиришга қаратилган жаҳон тажрибаси билан уйғунлашди.

Энг муҳими, ҳар қандай конституциявий ислохот фақат меъёрларни ўзгартириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Уларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш жамият олдида турган улкан вазифадир. Шу боис ҳар бир фуқаро давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини қарор топтириш йўлида фаол иштирок этиши лозим.

Янги Конституция давлат тараққиёти йўналишини белгилаб берувчи стратегик ҳужжатдир. У жамиятдаги ўзгаришларга мослашиб, замонавий талабларга жавоб берадиган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга қаратилган. Айниқса, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, адолат тамойилларини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, таълим, фан, инновация ва рақамли ҳуқуқларни устувор йўналиш сифатида белгилаш – давр талабидан келиб чиққан қарор бўлиб, мамлакатнинг заковат салоҳиятини ошириш ва рақобатбардош миллатни шакллантиришга хизмат қилади.

Янги Конституция – барқарор тараққиёт ва жамиятдаги тотувликни таъминлашга, келажак авлод манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ташаббусдир. У сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаб, ҳуқуқ устуворлигини қарор топтириш орқали ҳар бир фуқаронинг эркин ва хавфсиз ҳаёт кечиршини таъминлайди.

Айниқса, никоҳни эркак ва аёлнинг ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли иттифоқи сифатида белгилашга оид меъёр жамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашнинг ишончли кафолатидир. Конституцияда инсон капитали, илм-фан, инновация ва оила институтига алоҳида аҳамият қаратилаётгани яққол кўринади. Шунингдек, янги Конституция лойиҳасида ҳалол меҳнат, юсак маънавият ва ватанпарварлик каби умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси сифатида таъкидлаш жоизки, янги Конституциянинг VI бўлими, 70 ва 71-моддаларида Қозоғистон Халқ Кенгаши фаолиятига кенг ўрин берилган.

Ислохотларнинг янги босқичида жамият ҳаётига оид барча масалалар юзасидан доимий умумхалқ мулоқотини таъминлайдиган самарали майдонга эҳтиёж ҳайдо бўлди. Шу боис мамлакатда янги жамоатчилик-сиёсий институт – Қозоғистон Халқ Кенгашини ташкил этиш тақдир этилди. Бу ҳақда Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Миллий қурултойнинг V мажлисида маълум қилган эди.

Янги мулоқот майдони жамиятда бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган асосий жамоат ташкилотлари ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиради. Шу маънода, Қозоғистон халқи Ассамблеяси ва Миллий қурултой ўзларига юклатилган тарихий вазифаларни муваффақиятли адо этди, деб баҳоланмоқда.

Тақлиф этилаётган Халқ Кенгаши илгариги тизимларнинг узвий давомийлигини сақлаган ҳолда, қўшни давлатлар ва илгор хорижий тажрибаларни ўзида мужассам этган замонавий давлат институти бўлади. Кенгаш таркиби 126 нафар аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 42 нафари этномаданият бир-лашмалардан, 42 нафари йирик жамоат ташкилотларидан, 42 нафари маслаҳатлар ва ҳудудий жамоат кенгашларидан тавсия этилади. Барча аъзоларни Президент тайинлайди, Кенгаш раиси эса аъзолар томонидан сайланади.

Янги институт жамият ва давлат ўртасидаги очиқ мулоқотни кучайтиришга, мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутди.

Тақлиф этилаётган ўзгаришлар жамият эҳтиёжларига жавоб бериб, адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Овоз бериш – бу фақат қонун билан кафолатланган ҳуқуқ эмас, балки юрт тақдирига бефарқ бўлмаслик ва юсак фуқаролик масъулиятининг ёрқин ифодасидир. Ҳар бир танлов – келажак авлод равнақиға қўшилган ҳиссадир.

Шу муносабат билан барча юртдошларимизни 15 март кунини ўтадиган референдумда фаол иштирок этиб, ўз овозини беришга қақираман.

Райимжон АЛИБОВЕВ,
“Жанубий Қозоғистон” вилоят
ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири.

“Адолатли ва ривожланган Қозоғистоннинг Халқ Конституцияси учун!” умуммиллий коалицияси вакиллари туман аҳолиси билан учрашди.

Шу кунларда вилоятимизда “Адолатли ва ривожланган Қозоғистоннинг Халқ Конституцияси учун!” умуммиллий коалицияси вакиллари ахборот-тарғибот ишларини давом этирмоқда.

Хусусан, коалиция вакиллари Мақтаарал ва Жетисай туманларида кенг қамровли учрашувлар ўтказишди. Уларда меҳнат жамоалари, спортчилар, ўқитувчилар ҳамда тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Тадбирларда вилоят маслаҳати раиси, коалициянинг ҳудудий филиали раҳбари Нуралли Абиев, шунингдек, аъзолари Бекжан Айтқулов, Тўрегелди Қалмуратов, Жарқинбек Қанаев, Жақсбай Қурақбаев, Бақитжан Серманизов, Талғат Қаржауов, Алимардин Медетов ва Қадир Сарсебаевлар иштирок этишди.

Сариоғоч туманида навбатдаги жамоат қабули очқиқлик ва самимий руҳда ўтди.

Тадбирда туман ҳокими Арман Абдуллаев ва вилоят маслаҳати депутатлари Алмас Салимов, Жанбек Сулейменов, Жумарт Абдибаев туман фуқароларини шахсий масалалари бўйича қабул қилди.

Қабул жараёнида туман партия филиали раиси Шермат Ибрагимов, туман ҳокими ўринбосари, бўлим раҳбарлари, шаҳар ва қишлоқ ҳокимлари иштирок этди. Бу эса кўтарилган ҳар бир муурожаатни жойида ўрганиш ва амалий ечим топиш имконини берди.

Қабул давомида фуқаролар ичимли сув, ер муносабатлари каби бошқа шахсий масалаларга доир муурожаатларини баён

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ АҲОЛИГА ТУШУНТИРИЛДИ

Мақтаарал туманида делегация Улғили ва Ж. Қалшўраев аҳоли манзиллари фуқаролари, шунингдек, Мирзакент қасабасидаги марказий кутубхона жамоаси билан учрашиб, янги Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган мулоқот ўтказишди.

Учрашувларда фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Жетисай туманига хизмат сафари давомида гуруҳ аъзолари спортчилар ва JET Plaza жамоаси билан учрашиб, оммавий спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат жамоаларининг жамиятдаги



ўрни ҳақидаги фикрларни илгари суришди. Шунингдек, 7-сонли “Туран” мактаб-гимназияси педагоглари билан учрашувда таълим соҳасида фуқаролик маданияти ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш йўллари таҳлил қилинди.

Учрашувлар давомида “Халқ

Конституцияси” тушунчасининг мазмунини изоҳлаиб, унинг асосий мақсади – ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоя қилиш, давлат бошқарувида шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтириш экани таъкидланди.

Туркистон вилоят маслаҳати.

ЭЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ: МАСАЛА ВА ЕЧИМ



қилишди. Халқ ноиблари ҳар бир фуқаронинг масаласини диққат билан тинглаб, қонунчилик асосида тушунтиришлар берди. Айрим масалалар бўйича мутасадди бўлим раҳбарларига топшириқлар юкланиб, ижроси назоратга олинди. Қабул якунида, туман раҳбари фуқароларнинг ҳар бир муурожаати эътибордан четда қолмаслигини, барча масалалар белгиланган тартибда ҳал қилинишини алоҳида таъкидлади.

М. УСМОНОВА.

бошланғич ташкилоти раиси Б. Қудайбергеновлар ҚРнинг янги Конституцияси лойиҳаси ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Сайрам тумани демографик ўсиш суръати юқори ҳудудлардан саналади. Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида туманда аҳоли сонининг кўпайишига ҳисса қўшаётган оналарга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

Яқинда туман ҳокими М. Уразалиев 42 нафар кўп фарзандли онага давлат мукофотларини топширди. Уларнинг 9 нафари «Алтын алқа», 33 нафари эса «Кўмис алқа» соҳибаси бўлишди.

МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ

Кўлкент қишлоғидаги Қошғарий номи мактабда ҚРнинг янги Конституция лойиҳасини таништиришга бағишланган учрашув ўтди. Унда туман маслаҳати раиси Ш. Холмуродов, шунингдек, жамоат фаоллари Ғ. Медеуов, Б. Ҳалимжонов, А. Исоқовлар иштирок этдилар.

Устозлар жамоасига янги Конституция лойиҳасининг асосий йўналишлари, унинг жамият учун аҳамияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш тамойиллари тушунтирилди.

З. МҶМИНЖОНОВ.

»» Бир туман хабарлари

КОНСТИТУЦИЯ – ДАВЛАТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ



Жибек жўли қишлоғидаги 80-сонли “Машат” мактабида қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси фаоллари ва устозлар учрашуви ўтди.

Тадбирда иштирок этган вилоят «Жамоат тотувлиги» муассасасининг Сайрам туман филиали раҳбари Б. Айтбаев, «AMANAT» партияси туман филиали қошидаги Хотин-қизлар қаноти раҳбари Ш. Кенжебекова ҳамда «AMANAT» партияси Оқсувкент қишлоқ

»»» Ҳ. Жанибеков таваллудига – 95 йил

САВРОНДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ НОМИДАГИ МАКТАБДА

2026 йил – таниқли давлат ва жамоат арбоби Ҳ. Жанибеков таваллудига 95 йил тўлиши билан ўзгачаланади. Кўҳна зиёратгоҳлар, хусусан, Туркистондаги А. Яссавий, Ҳтрордаги Арслонбоб мақбаралари таъмирига маданият вазири пайтида жонқуяр раҳбар бўлган бу хокисор юртдошимиз 1931 йили август ойида Ҳтрорда таваллуд топган. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаб комсомол, партия ташкилотларида, маданият вазирлигида давом эттирган. 1998 йили февраль ойининг 22 санасида 67 ёшида вафот этган. Киндик қони томган Ҳтрордаги Арслонбоб зиёратгоҳи ҳудудида дафн этилган. Совет Иттифоқи даврида унутилган миллий кадрият, хусусан, маданият, тарих, маънавиятни тиклаш учун ҳаётини бахшида этган Ҳ. Жанибековнинг нурли хотираси, ўлмас мероси ёш авлод қалбига мангу барҳаёт.



Саврон тумани Бершинтўбе қишлоғидаги тажрибали устоз, фаол обуначимиз Дилмира Файзиёва раҳбарлик қилаётган Ҳ. Жанибеков номи мактаб жамоаси тақлифи билан вилоят марказининг таниқли меҳнат фахрийлари Жонтемир Алимов (А. Яссавий мақбарасини муҳофаза қилиш жамоа бирлашмаси раҳбари, қатор илмий китоблар муаллифи), Тўлқин Саидмуродов (Туркистон шаҳар ҲЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси), Нуржан Серимов (Ҳ. Жанибековнинг яқин қариндоши)лар мактабга учрашувга ташриф буюришди. Туман миқёсида мактаблар фаол иштирок этган ҳафталик доирасидаги хотира кечасининг таассуроти мўл бўлди. Кираверишда миллий кийимдаги ўқувчи қизлар, бўғирсоқ, қимиз-қимрон тортилган дастурхон узра онахонларнинг дўмбири созиға жўр айтилган кўшиқларни тинглашнинг гаши бўлақча. Директор Ҳ. Жанибеков ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли кўргазмалар, хусусан, Қозоғистон раҳбари Д. Қўнаевнинг вилоят раҳбари А. Асқаров ҳамроҳлигида Яссавий мақбарасига ташрифи чоғида Ҳ. Жанибеков билан суҳбати ақс этган тасвирлар билан батафсил таништирди.



Атоқли юртдошимиз тасвирланган улкан бильборд ўрнатилган саҳнада хотира тадбирини маҳорат билан бошқариб, давлат тилида кўшиқлар ижро

этанг ўқитувчилар Рухсора Қудратова, Жавоҳир Отабоевлар тақлифи билан саҳнага кўтарилган Д. Файзиёва хотира тадбири доирасида мактабда амалга оширилган хайрли ишлар, хусусан, ўқув жараёнида устозлар ва ўқувчилар эришган ютуқларга тўхталди.

15 март куни Мустақил Қозоғистоннинг янги Конституциясини қабуллаш бўйича ўтадиган умумхалқ референдуми комиссияси раҳбари, Саврон тумани АМАНАТ партияси бўлими раиси Сағиндиқ Жақсибекули раҳбарлигида вилоят, туман маслаҳатлари

дастхат ёзиб, директорга тантанали тақдим этди. Мактаб ўқувчилари ижросидаги саҳна кўринишлари, миллий либосдаги жозибали рақсларни меҳмонлар мириқиб томоша қилдилар. Хотира тадбири мактаб ҳовлисида ўрнатилган ёдгорликка гулчамбар қўйиш маросими билан давом этди. Директор ўринбосарлари Эргашбой Бобошев, Муҳаббат Аҳмедова, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Нурмат Бобошев, ўқитувчилар Моҳидил Изенова, Гулназ Аметова, Файрат Бобохонов, Улуғбек Раҳмонов, Жаҳонгир Жалиловларнинг муштарак сазй-ҳаракатлари ила ушбу хотира тадбири барчада теран таассурот қолдирди.

Саврон тумани таълим бўлими услубият кабинети мудираси Баймен Қирмизи якуний нутқида мактабга арбоб Ҳ. Жанибеков номи берилиши тарихи, Дилмира Файзиёва бошчилигида мактаб устозлар ва ўқувчилар жамоалари таълим-тарбия бобида туман миқёсида пешқадам эканлигини самимий миннатдорчилик ила таъкидлади. Хотира тадбирининг асосий мақсади – Ҳ. Жанибеков ҳаёти ва фаолияти мисолида ёш авлоднинг ватанпарварлик, иймон, элга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар. Муаллиф суратга олган.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ СОЗЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида 2025 йилги иш якунлари ва 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган мажлис ўтди.

Унда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари ва иш жойидаги хавфсизлик бўйича бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, 2026 йилга белгиланган вазифалар пухталади, меҳнат муносабатлари соҳасидаги шароит, иш жойларида содир бўлган бахтсиз ҳолатларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, 2025 йили меҳнат муносабатларини созлаш ва хавфсизликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, меҳнат қонунларининг ижросини таъминлаш, ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш ўринларидаги хавфсизликни кучайтириш борасида тизимли ишлар юритилди. Меҳнат муносабатлари устидан назорат кучайтирилиб, давлат назорати жараёнига рақамлаштириш унсурлари жорий этилди. Бахтсиз воқеаларнинг олдини олиш тадбирлари кучайтирилди. Бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиш – асосий устуворликлардан бири. Таҳлил натижалари кўрсатганидек, ишлаб чиқариш ўринларидаги жароҳатланишларнинг асосий сабаблари – хавфсизлик талабларига риоя қилмаслик, технологик тартибнинг бузилиши ва ишчи-хизматчиларнинг тегишли даражада ўқитилмаслигида. Шунга мувофиқ, олдини олиш тадбирларини кучайтириш, иш ўринларидаги хавф-хатарни тизимли баҳолаш ва хавфсиз меҳнат шароитларини

таъминлаш йўналишидаги аниқ вазифалар белгиланди. 2026 йил учун белгиланган устувор вазифалар эса меҳнат соҳасида барқарорликни таъминлаш, иш ўринларида меҳнат хавфсизлиги андазаларини халқаро тажрибага мувофиқлаштириш, меҳнат соҳасини рақамлаштиришни давом эттириб, аниқ маълумотларга асосланган бошқарув дастагини татиқ қилиш, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш орқали иш берувчи ва ишчи-хизматчиларнинг умумий жавобгарлигини орттиришга қаратилган. Бунда «Меҳнат шартномаларини рўйхатга олишнинг умум тизими» орқали меҳнат шартномаларини электрон шаклда қўллаш асосий йўналиш сифатида белгиланди.

«Доимий меҳнат – хавфсиз жамият асоси». 2025 йилнинг натижалари меҳнат муносабатларини созлаш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизликни таъминлаш йўналишидаги ишларни тизимли равишда юритилаётганини намоён этди.

2026 йилда эса ушбу сазй-ҳаракатлар янги усулларда давом эттирилиб, асосий эътибор инсон ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишга, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва соҳанинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилди.

Давлат меҳнат инспекцияси қўмитасининг Туркистон вилояти бўйича департаменти маълумотлари асосида.



Қозоғистон Миллий Банки

АХБОРИЙ ХАБАРНОМА

2025 йилда аниқланган қалбаки пул белгилари тўғрисида

Астана шаҳри.

19 февраль 2026 йил.

Қозоғистон Миллий Банки ва иккинчи даражали банклар томонидан 2025 йил (қалбаки пул фақат банкнота ва танга пул сони билан ўлчанади) 203та қоғоз банкнота ва 3 танга пул белгилари аниқланган. Бу 2024 йилга нисбатан (108 қалбаки пул белгиси) 90,7 фоизга кўп.

Аниқланган қалбаки банкноталарнинг 174таси 5000 тенгеллик бўлиб, умумий сонининг 84,5 фоизини ташкил этди. Кейинги ўринда номинали 10 000 тенгеллик банкноталар – 22та (10,7 фоиз). 2 000 тенгеллик банкнотадан 6та (2,9 фоиз) аниқланса, 20 000 тенгелликдан – 1та (0,5 фоиз), қолган 1,4 фоизи – танга пул.

Миллий Банк ҳақиқий пулни қалбаки нусхалардан фарқлаш бўйича асосий белгиларни эслатиб ўтади.

Қалбаки нусхаси

Қалбаки банкнота одатда оддий офсетли қоғоздан ясалади ҳамда компьютер техникаси ва рангли принтердан фойдаланилади.



Қалбаки нусхаси

Майда ёзувлар аниқ кўринмайди ва бир неча бор қатталаштирилганда ўқиб бўлмайди.



Асл нусхаси

Қалбаки банкнота одатда оддий офсетли қоғоздан ясалади ҳамда компьютер техникаси ва рангли принтердан фойдаланилади.




Асл нусхаси

Майда ёзувлар аниқ кўринмайди ва бир неча бор қатталаштирилганда ўқиб бўлмайди.



Қалбаки нусхаси

Қалбаки банкнотада сув белгиси мавжуд бўлмайди.




Қалбаки нусхаси

Ҳимоя элементи(патч)нинг ўлчами голографик таъсири сезилмайди.



Қалбаки нусхаси

Хавфсизлик или динамик ҳамда ранг ўзгартурувчи хусусиятга эга бўлмайди.



Қалбаки нусхаси

Асл банкноталарни диққат билан кузатиш ва қўлда ушлаб кўриш орқали аниқланадиган қатор хавфсизлик белгилари мавжуд. Ушбу белгилар билан ҚР Миллий банкининг расмий веб-сайти орқали танишиш мумкин.

Миллий Банк қалбаки пул муомаласининг олдини олиш юзасидан муттасил иш олиб бормоқда ҳамда нақд пулдан фойдаланганда фуқароларни эҳтиёт бўлишга чақиради.

Шубҳали, шу жумладан, ташқи кўриниши асл банкноталарга ўхшаш пул белгиларига дуч келганда, зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериш тавсия этилади.

ОАВ вакиллари тўлиқ ахборотни ушбу телефон орқали олиши мумкин: 8 (7171) 77-52-10. e-mail: press@nationalbank.kz www.nationalbank.kz

>>> Мехнат одами

СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

Сув – ҳаёт манбаи. Уни асраш, тежаш ва оқилона бошқариш юксак масъулият талаб қилади. Ана шундай масъулиятли вазифани зиммасига олган инсон табиат неъматини қадрлайди, ҳар томчи сувнинг қимматини англайди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли далалар яшнайди, боғлар ҳосилга тўлади. Шу маънода сув ҳўжалиги соҳаси вакиллари жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фидойи инсонлардир. Уларнинг меҳнати ортида барака, фаровонлик ва барқарор келажақ мумкин.



Бугунги кунда аҳоли сонининг ўсиши, иқлим ўзгариши ва сув захираларининг чекланганлиги сувдан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Қ. Тўқоев жорий йили Қизилўрдада ўтган Миллий қурултой йиғилишида алоҳида тўхталиб: энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлашда – мамлакат сув захиралари муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Шу боис, сувнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англаш, уни асраш ва тежаш ҳар бир фуқаронинг бурчи ва бугунги кунини устувор вазифаларидан биридир.

Сайрам туманининг Манкент қишлоғидаги сув ҳўжалиги ташкилотидан кўп йиллардан буён сидқидилдан хизмат қилиб, бу соҳада бой тажриба орттирган мутахассислардан бири Худойберганд Тожиев (тасвирда) ана шундай фидойи инсонлар сирасидан.

Худойберганд Аҳмадқул ўғли 1954 йили 18 мартда Манкент қишлоғида таваллуд топди. Қишлоқдаги ўрта мактабни тугатгач, меҳнат фаолиятини Қорасув қишлоғидаги матлубот жамиятида бошлаб, 1981 йилдан Сайрам туман таълим бўлимида "Автоҳўжалик ва йўриқчи-ўқитувчи" лавозимида давом эттирди. Билим олишга чанқоқлиги туфайли дастлаб Тошкент индустриал-педагогика техникумида, сўнгра Низомий номидаги педагогика университетида тахсил олди.

У туман марказидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг ташкил этишда фаол иштирок этди. Айниқса, унинг ёшларга касб-хўнара ўргатишга ихтисослашган ўқув қорхонасини зарур жиҳозлар билан таъминлашдаги хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, ўша йилларда Х. Тожиев "Йўл ҳаракати ёш нозирлари" дастурини яратди. Шунингдек, Горький шаҳрига бориб, ўқув-ишлаб чиқариш мактабига "ГА3-52" автомашинасини олиб келди. Натижада шу йиллардан автомактаб ўқувчилари касбий ҳайдовчилик бўйича мустақкам назарий ва амалий билим олиш имконига эга бўлдилар.

Кейинги йилларда у "Нилуфар" ИЧШда механик, "Оқсув" туман муассасасига қарашли "Манкент" сув ҳўжалиги бўлимида мирос, "Водные ресурсы-Маркетинг" МЧБнинг "Оқбой-Қорасув сув омбори" ташкилотидан муҳандис-гидротехник вазифаларида фаолият юритди.

– Туман сув ҳўжалигига қарашли Манкент ташкилотига ишга келишимга раҳматли падали бузрукворим Аҳмадқул Тожиевга сабабчи бўлган. – дейди у, – Ўша даврда туман марказидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатидан хизмат қилардим. Шундан буён қишлоқдаги сув масаласи билан шуғулланиб келяман.

Манкент ва Қорабулоқ қишлоқлари сув Оқсув дарёсининг ўнг тарафидаги канал орқали келади. Манкент қишлоғидаги экинзорларни оқар сув билан таъминлайдиган узунлиги 13 қақирим мазкур канал ҳомийлар ёрдамида таъмирланди. Лекин қишлоқ орасидан ўтадиган ариқлар вақтида тозаланмапти. Ариқ тозаланмаса, кейин сув исроф бўлади ва биринчи навбатда деҳқонлар зарар кўради. Сув танқислиги туфайли сабзавотчилик қисқариб, экин майдонлари асосан бугдойзор, бедзорларга айлантирилди, бир қисми боғ-роғларга айлантирилди. Сув етарли бўлса, деҳқонларимиз меҳнат қилишга шай. Масалан, сув сероб бўлган 2022-2023 йилларда манкентлик деҳқонлар қарам ва помидордан мўл ҳосил етиштиришди. Бугун эса шароит бошқа. Ҳозир Павлодардан келтирилган сабзани ўзимиз сотиб оляпти. Илгари зироатшунослар деҳқонларга экинларни сўғориш тартибини тушунтиришарди. Масалан, жамоа ҳўжаликларида экинни пол-пол қилиб сўғориш қўл келган. Бугунги кунда эса, деҳқон сувни экинзорга тараб қўяди-да, сўғориб бўлса ҳам сувнинг бошини беркитмайди.

Яна бир долзарб масала – ариқларнинг тозаланмаслиги. Натижада, сув оқими секинлашади, айрим ҳолларда ерга сингиб кетади. Сўғориш қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш керак. Ариқлар ичига нов (лоток) ўрнатилса, сув исроф бўлмайди. Ҳар йили туман сув ҳўжалиги буюртма асосида сув тақсимлайди. Масалан, ўтган йили ариқлар яши тозаланмагач, Манкент қишлоғига режалаштирилган 5 куб ўрнига атиги 800 литр сув келди. Қарийб 30-40 фоиз сув ерга сингиб кетди. Деҳқон ҳўжаликлари сув танқислиги оқибатида қутилган даромадни олишолмади.

– Эндиликда қандай чоралар кўриш зарур?

– Авваламбор, кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш жоиз. Зироатшунослар, геодезиячилар, мелиораторлар керак, Қолаверса, мавжуд ариқларни тозалаш жоиз. Илгари қишлоқ аҳолиси ариқларни ҳашар йўли билан тозаларди. Ана шу хайрли анъанани қайта тиклаш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, Х. Тожиев қаерда, қайси соҳада хизмат қилмасин, ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб, жонбозлиги, фидойилиги билан элнинг эътиборини қозонди. Худойберганд Аҳмадқул ўғли жамоат ишларида ҳам фаол. Жумладан, у "Мўрагер" ташкилоти, "AMANAT" партияси аъзоси сифатида қишлоқдаги хайрия тadbирларида иштирок этиб келмоқда. Масалан, Манкент қишлоғида 2017 йили фойдаланишга топширилган "Ойша биби" мактаби ўқувчилари учун ўз томорқасидан йўлак ажратиб, кўпчиликнинг олқисини олди. Шунингдек, Манкент ва Оқсувкент қишлоқларидаги ариқларни кенгайтириш, тозалаш ва таъмирлаш ишларига бош-қош бўлди. Оққалъа қишлоғини сув билан таъминлаш, сув тошқини хавфини барқарор этиш ҳамда Манкент қишлоғидаги уруш ва меҳнат фахрийлари ёдгорлик мажмуаси қурилишига улкан ҳисса қўшди.

Х. Тожиев сув ҳўжалигини ривожлантириш ҳамда жамоат соҳасидаги самарали хизматлари учун "Еңбек даңқи", "Сайрам туманига 90 йил", "Елеул ёңбегі үшін", "Сайрам тумани ўзбек этномаданият марказига 25 йил" кўкрак нишонлари ҳамда кўплаб "фахрий ёриқ", "ташакурнома"лар билан тақдирланган.

З. МҮМИНЖОНОВ.

>>> Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Мамлакатимизда эзгу ва саховатли ишлари билан танилган Қувайтнинг Қозоғистондаги Халқаро Ислом хайрия жамғармаси, вилоятимиздаги фаолияти давомида минглаб эҳтиёжманд оилаларга фаровонлик ва умид бағишлади. Жорий йилда мазкур ташкилотнинг мамлакатимизда фаолият юритаётганига 33 йил тўлади. Жорий йилда кам таъминланган ҳамда серфарзанд оилалардан бўлган 30 нафар фарзандларига тadbиркорлик юритиш учун имконият яратиб берди. Улар жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган касб-хўнара курсларида таҳсил олиб, ишбилармонлик асосларини ўзлаштиришди. Яқинда бир гуруҳ курс битирувчиларига сертификатлар топшириш маросими ўтди.

Хайрия жамғармасининг директори доктор Мухаммад Ясир Алвон:

– Агар икки йил аввалги лойиҳамизга кўра 20 нафар қиз-жувонларимизнинг янги касб соҳибалари бўлишлари учун имконият яратган бўлсак, жорий йилги лойиҳамизда уларнинг 30 нафари янги касбларни ўзлаштирди – 20 нафари бичиш-тиқиш йўналишида, 10 нафари қандолатчилик соҳасида. Янги касбни ўргатиш билан бирга, уларнинг ҳар бирига тadbиркорлигини юритиш учун тикув машиналари, ошхона ускуналари, музлатгич ҳамда бошланғич харажатларга 90 минг тенгелик сертификатлар ҳам тақдим этилди.

Тadbир иштирокчилари – Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тохирбек Нишонбоев, Шимкент шаҳар Қоратов тумани УЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Аҳмадхон Хусанхонов сўзга чиқиб, оилалар фаровонлиги йўлида хайри ишларни амалга ошираётган жамғарма фаолиятига муваффақиятлар тиладилар, улар жамғармаларга Қозоғистондаги вакиллик раҳбари доктор Ясир Мухаммад Алвонга ташкилотнинг фахрий ёриқини топшириб, сертификатларни қўлга киритган янги касб эгалари фаолиятига муваффақият тилашди.

– Янги касб ўргатувчи курсларда таълим олган ҳамюртларимизни саралаш ва тавсия қилишда хайрия жамғармаси биз билан доим маслаҳатлашади, – дейди Т. Нишонбоев.

ИМКОНИЯТЛАР ТАҚДИМ ЭТГАН ЛОЙИҲА



– Бугунги кунда янги хўнара ўрганиш анчагина маблағ талаб қилади. Ҳаммининг ҳам бунга имконияти йўқ. Шу боис, йиллар давомида муайян кўникмага эга бўлса-да, даромад манбаига эга бўлмаган аёлларга сертификатлар, дастгоҳ ва зарур ускуналар тақдим этиш – хонадонлар учун улкан кўмақдир. Ушбу амалий ёрдам уларнинг мустақил равишда даромад топишига замин яратади.

"Art school" таълим маркази раҳбари Нилуфар Саъдуллаева:

– Бир неча йиллардан буён жамғарма томонидан тавсия қилинган кам таъминланган

оилалар аёлларини уч ойлик қисқа мuddатли тиқиш-бичиш курсларида ўқитамиз. Ҳамда уларнинг ўз ишини бошлашида ҳар томонлама кўмак берамиз. Айрим аёлларимизнинг имконияти чекланган фарзандлари ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳақиқатан ҳам шундай ёрдамга муҳтож оилалар бундай курсларга жалб этилади ва улар учун таълим, моддий ёрдам ҳам тўлиғича хайрия жамғармаси томонидан қопланади. Мазкур босқич тикувчилари курсни тaмoмлагач, санoқли кунлардан сўнг яна 40 нафар кам таъминланган аёлларга жамғарма дастури доирасида 6 ой мо-

байнида таълим беришга киришамиз. Курсни тaмoмлагач, ўз лoйиҳасини бошлaшлари учун грантга эришишда ёрдам берамиз. Бундан тaшқари аёллар қандoлатчилик курсида ҳам ўқиб, тadbиркорликини бошлaётган қиз-жувонлар сафи ҳам кенгаймоқда.

Тadbир давомида янги хўнара соҳибалари ўз маҳоратини намoйиш этишди. Улар тиқиш, тaйёрлаган либoслар кўрғазмаси уюштирилди. Зaмoнавий ва миллий аңьaнaлар уйғунлaштирилган либoслар меҳмонларда кaтта тaасcурут қолдирди. Қандoлатчилик йўналишида таълим олган иштирокчилар дастурхон безаб, ўзлари тaйёрлаган ширинлик ва пишириқлар билан тadbир

иштирокчиларини сийлашди.

Сертификат соҳибалари – 30 нафар хонадон бекалари ишбилармонлик ва оилавий фаровонлик сари дадил қадам ташлаши учун шундай имконият яратиб берган жамғарма раҳбариятига миннатдорчилик изҳор қилишди.

Жамғарма раҳбарияти юртимизда эзгу ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаб, ҳамюртларимиз хонадонларида барака ва фаровонликини таъминлаш йўлида саховат кўрсатишда янги лойиҳалар устида иш олиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



>>> Обуначиларимиз орасида

ШИФО УЧУН МИННАТДОРЛИК

Яратган Эгам дунёнинг гултожи ҳисобланган инсонга вақтинчалик умр ато этган. Одам ҳаётида турли қувонч-ташвишлардан ташқари хасталикларни ҳам бошидан кечиради.

Табиийки, сабр-чидам билан даволаниш даркор. Зеро, чидам бoбидa дунёдаги энг сабрли ҳам, энг тоқатсиз ҳам одам эканлиги тўғри эътироф этилган. Ёшлигимизда унча-мунча дардни писанд қилмаймиз, лекин кексалик палласида вужудимиздаги хасталик ўз кучини кўрсата бошлайди. "Соғлиқни қадрин бил хаста бўлмасдан бурун, хасталик қадрин бил то ўлмасдан бурун", деган нақл бежиз айтилмаган. Биринчи бойлик – саломатлик доимий эътибор талаб қилади. Шифокорлар кўригидан ўтиб, уларнинг маслаҳатига амал қилиш энг тўғри йўлдир.

Бир синфдош дўстимиз оё-



ғи оғриб юрарди. Аввалларига эътиборсиз ҳолда яхши бўлиб қилиб юрди. Биз ўзбекларда "ҳа, ўтиб кетар" ёки "қарилқидандир" деган аңьaнa азaлдан онгимизга сингиб кетган. Оғриқ жонидан ўтгач, даво излаб Шимкентдаги 2-сонли шаҳар касалхонасига мурожаат қилди. Бу ердаги Ибн Сино во-

рилари уни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Турли анализлар таҳлил қилинган, натижа бeмoрга тушунтирилди.

Бeлдaги чурра тaшхиси қўйилиб, жарроҳи лoзимлиги айтилди. Бир соат ва йигирма минут давом этган жарроҳилик жараёни муваффақиятли якунланди. Бир неча кунлик муoлaжaлaрдан сўнг уйга жа-

вoб берилди. Уй шарoитидa даволанишни давом эттириш, бажариши лoзим бўлган муoлaжaлар тaвсия этилди. Оқ хaлaтли фидoкoрларнинг Гиппократ қaсaмигa сoдиқ қўллаган жарроҳи нaтижасидa бeмoр oёққа турди.

Саврон тумани Қорачиқ қишлоғи турғуни, меҳнат фахрийси Жумадулла ҳожи Тошметов ва унинг оила аъзолари шимкентлик шифокорларнинг хизматидан беҳад миннатдор эканлигини суюқли "Жанубий Қозоғистон" газетаси орқали маълум қилишни илтимос қилдилар. Шу касалхона неврохирургия бўлими жамоаси, хурсан, Еркин Медетов, Айбўл Сансизбаев, Науат Султано-валарнинг фидoкoрoнa меҳнатига қайта-қайта раҳматини айтаман, дейди отахон.

Қoдир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

»» Навоий ва Бобур мероси ёшлар нигоҳида

“Жаҳон аҳлида бир ёр истадид”
(Алишер Навоий).

Шеърят мулкининг султони Мир Алишер Навоий ва буюк шоир, шоҳ ва саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунини республикамизда ҳам кенг қулоқ ёйди.

Бу тадбирларга қўшни Ўзбекистондан халқаро “Ватандошлар” жамоат жамғармаси делегациясининг ҳам ташрифи байрамларга файз бағишлади.

Шимкент шаҳридаги А. Байтурсинов номли мактабимиз ўқувчилари томонидан Шарқнинг икки буюк алломи ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечада “Ватандошлар” жамоат жамғармаси томонидан мактабимиз директори М. Ами-

рова, фидоий устоз Н. Талпова “Она тилим-жону дилим” республика танловининг ғолиби 11-синф ўқувчилари Ўқтамжон Абдираманов ва “Навоийхонлик-2026” халқаро танлов совриндори Руҳшона Нормаматовалар ташаккурномалар билан тақдирландилар. Шунингдек, жамғарма томонидан мактабимиз китобсеварлари учун бадиий китоблар ва musiқа асбоблари ва миллий либослар тақдим этилди. Байрамда ўқувчиларимиз буюк шоирлар газалларини ифодали ўқиб, сахна кўринишларини намойиш этдилар.

Тадбирга ташриф буюрган санъаткорларнинг гўзал хонишлари томошабин ота-оналар, устозлар ва ўқувчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Мактаб маъмурияти, ота-оналар фаоллари ва ўқувчилар

“Ватандошлар” жамоат жамғармасига тақдим этилган совғалар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Мактабимизда байрам шодиёналари аjoyиб навоийхонлик, бобурхонлик ҳамда назм ва наво дарсларига улашиб кетди.

Ўзбек тили ва адабиёти ҳафталигининг очилиши муносабати билан Навоий ва Бобур таваллудига бағишлаб “Навоий ва Бобур – маънавиятнинг икки буюк устунини” мавзусидаги тадбиримизга “Ватандошлар” жамғармаси вакиллари ташриф буюрди. Тадбирда энг иқтидорли ўқувчилар томонидан буюк алломаларимизнинг сиймосини гавдалантирадиган сахна кўринишлари ижро этилиб, газаллар ўқилди. Навоий ва Бобур газалларига басталанган қўшиқлар ижро этилди. “Ватан-

ХАЗИНА ДУРДОНАЛАРИ –
МАКТАБ САҲНАСИДА



дошлар” вакиллари билан бирга истеъдодли шоирлар, санъаткорлар ҳам ташриф буюрди. Тадбир якунида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ва мак-

таб маъмурияти жамғарма томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланди.

Мактаб кутубхонасига 1300та бадиий китоблар, ўқув-

чиларга эса миллий либослар, чолғу асбоблари тақдим этилди.

Юлдуз ЖАҲОНГИРОВА.

»» Маънавият майдонидаги учрашув

Ақтау ва Манғистау заминидан миллий мерос, сўз қудрати ва ижод руҳига бағишланган унутилмас маънавий тадбир ўтди.

Буюк шоир Алишер Навоий ва давлат арбоби, Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган тадбир халқаро “Ватандошлар” жамоат жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ақтау шаҳридаги Бош Консуллик ва Манғистау вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дастлабки дақиқалардан оқ тадбирда тарихга ҳурмат, сўзга садоқат ва маданиятга эҳтиром руҳи уфуриб турди.

Саҳнада Навоийнинг газаллари янгради, ҳаёт йўлини баён этувчи монолоғлар эса томошабинларни тарих ва маънавият оламига чорлади.

Қозғоғистондаги Ўзбекистон Республикаси Ақтау шаҳридаги Бош Консули, вилоят маслаҳати депутати, Манғистау вилояти оқсоқоллар кенгаши раиси ва этномаданият бирлашмалари раҳбарлари ёш авлод маънавий меросимизни асраб-авайлаши зарурлигини

НАВОИЙ ВА БОБУР
ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ



алоҳида таъкидладилар.

Саҳнада Манғистау ёшлар каноти, ЎЭМБ фаоллари, маҳаллий санъаткорлар ва ўзбекистонлик санъат усталари иштирок этишди. Бу тадбир маҳаллий ўзбек жамоаси учун ҳам улкан аҳамиятга эга бўлиб, урф-одат ва анъаналарга муҳаббатни янада мустаҳкамлаш майдониغا айланди.

Муסיқалар, рақслар ва бебаҳо мулоқот билан тўлган қувончли дамлар, ҳам-

маси анъанавий меҳр-шафқат ва маданий ҳурмат руҳида кечди.

Байрамнинг яна бир ёрқин лаҳзаси – “Ватандошлар” жамоат жамғармаси раиси Рустам Тиллабоев, унинг ўринбосари Индира Отажоновна фаол иштирок этган шахсларга байрам табрикномаларини тақдим этишди. Шунингдек, musiқа асбоблари, миллий рақс либослари ва ўзбек ёзувчилари китоблари каби эсда-

лик совғалари ҳам тақдим этилди.

Навоий ва Бобур хотирасига бағишланган ушбу тадбир яна бир бор кўрсатдики, маънавият – бу авлодларни боғловчи кўприк, миллий мерос эса халқнинг абадий қадриятидир. Томошабинлар қалбида ўзбек адабиёти ва маданиятига нисбатан янада чуқур ҳурмат ва миннатдорлик туйғулари уйғонди.

Индира ОТАЖОНОВА.

»» Заковатли миллат

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

Газал мулкининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан Қозғоғистон ўзбеклари маданий ҳаётида эзгу ташаббус амалга оширилди.

Шимкент шаҳар ЎЭМБ ҳамда Жумабек Ташенев номидаги университет ташкилотчилигида “Навоий ва XXI аср” мавзусидаги олимпиаданинг вилоят босқичи ўтказилиб, ўзбек тили ва адабиёти ихлосмандларини бир майдонга жамлади.

Мазкур тадбирда Жаҳон тиллари институти директори Жанна Бўтабаева, Ж. Ташенев номли университетнинг “Рус ва ўзбек тиллари” кафедраси мудири Шинар Ерғашбаева, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Иштирокчилар 3 шарт бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказдилар. Ўқувчилар Алишер Навоий газалларидан намуналарни ёддан ўқишди, мутафаккирнинг “Хамса” асари асосида тайёрланган сахна кўринишини намойиш этишди, А. Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид саволларга жавоб беришди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси, PhD доктори Шахло Норалиева ҳамда ҳайъат аъзолари – катта ўқитувчилар Озодхон Мусаева ва Зулфиниса Райимбекова иштирокчиларнинг тақдимотларини баҳолаб боришди.

Талабалар ижросидаги қўшиқлар ҳамда рақслар тадбирга файз киритди. Танлов якунида фаол иштирокчилар ташаккурномалар, ғолиблар эса фахрий дипломлар билан тақдирландилар.

– “Она тилим – жону дилим” мазусидаги умумтаъ-



лим мактабларининг юқори синф ўқувчилари орасида ўтказилган ўзбек тили ва адабиётининг фан олимпиадаси жорий йилда 11-бора ўтказилмоқда, – дейди Ж. Ташенев университетнинг катта ўқитувчиси Озодхон Мусаева. – Олимпиада она тилимизга эҳтиромни юксалтириш, ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари меҳнатини эътироф этиш, мактаблардаги таълим самарадорлигини намоён қилиш, меҳнатларини баҳолаш ҳамда ёшларни университетимиздаги тегишли таълим йўналишига жалб этиш мақсадида ўтказилди. Тадбир 3 босқичда ўтди. Биринчи босқичга кўра, ўқувчиларимиз диктант ёзишди. Нима учун диктантни киритдик? Она тилида саводли ёзиш ҳар бир инсон учун муҳим. Бўлғуси муаллимларимиз – ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари биринчи навбатда саводли бўлишлари керак.

Жорий йил мамлакатимизда “Рақамлаштириш йили” деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб, иштирокчилар “Сунъий идрок” мавзусида диктант ёзишди. Белгиланган талабга жавоб бера олмаган 14 нафар иштирокчи навбатдаги босқичга ўта олмади. Қолганлар орасидан билимдон, ўз фикрини раво баён эта оладиган китобхон ва ижодкор ёшлар саралаб олинди. Иккинчи босқичда иштирокчилар эссе ёзиш бўйича ўз маҳоратини синовдан

ўтказишди. Тақдим этилган 10та мавзу доирасида ёзилган ишлар ҳакамлар томонидан баҳоланди. Ёшларнинг эркин фикрлаши ва ижодий ёндашуви алоҳида эътироф этилди. Учинчи босқичда ўқувчилар мутолаа қилган китобларидagi ғоя устида мулоҳаза юритишда ҳамда сеvimли адббининг шеърини ёддан ўқишди. Ушбу тадбирда фаоллик кўрсатган, ташаббускори бўлган раҳбаримиз Шахло Норалиева баҳолаш ҳамда ёшларни университетимиздаги тегишли таълим йўналишига жалб этиш мақсадида ўтказилди. Тадбир 3 босқичда ўтди. Биринчи босқичга кўра, ўқувчиларимиз диктант ёзишди. Нима учун диктантни киритдик? Она тилида саводли ёзиш ҳар бир инсон учун муҳим. Бўлғуси муаллимларимиз – ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари биринчи навбатда саводли бўлишлари керак.

Ж. Ташенев номли университетнинг Академик сафарбарлик бўлими бошлиги, PhD доктори, тадбир ташаббускори Шахло Норалиева иштирокчилар фаоллиги хусусида шундай фикр билдирди.

– Бундай кенг кўламли олимпиадани ташкил этиш устозлардан улкан масъулият ва фидойиликни талаб этади. Қарийб 50 нафар иштирокчи совринли ўринлар учун баҳс олиб борди. Ҳакамлар ҳайъатига ғолибларни аниқлаш осон бўлмади.

Олий соврин Келес тумани Т. Бегманов номидаги умумтаълим мактабининг ўқувчиси Ўқтамжон Абдирамановга насиб этди. 1-ўрин – Шимкент шаҳри Муҳимин номли 13-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиси Жасмина Содиқовага, 2-ўрин Шимкент

шаҳар 71-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиси Дурдона Бахтиёровага, 104-сонли мактаб ўқувчиси Камола Мирқамоловага, Сайрам тумани Т. Рустемов номли 12-сонли мактаб-гимназия ўқувчиси Мафтуна Каримбоевага ва Сайрам тумани Қ. Сатпаев номли 63-сонли умумтаълим мактабининг ўқувчиси Динара Орифжоноваларга насиб этди. 3-ўрин Қазиғурт тумани “Жаңа тирлик” умумтаълим мактаби ўқувчиси Севара Сайдазимова, Сайрам тумани М. Аюезов номли умумтаълим мактаби ўқувчиси Муниса Зулумханова, Сайрам тумани “Далабозор” номли умумтаълим мактаби ўқувчиси Ширин Эргашбекова, Сайрам тумани 101-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиси Унсинай Эргашева, Шимкент шаҳар Ю. Саррейи номидаги 107-мактаб-лицейи ўқувчиси Хадичахон Султонмахмудхонова, Сайрам тумани Оққалъа номли 27-мактаб ўқувчиси Нозанин Эминтоева 3-ўринга муносиб, деб топилди. Олимпиада она тилимиз ва адабиётимиз ихлосмандлари иштирокидаги улкан маънавий тадбирга айланди. Шу билан бирга, ўзбек тилида ўқувчиларга таълим берадиган вилоятимиз мактабларига бўлғуси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини аниқлаш имконини берди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



МАНГУ БАРҲАЁТ ДАҲО

Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги миллий ўзлиқ, тил ва маънавият байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Навоий ижоди туркий адабиётини шакллантириб, инсон қалбини улуглади, адолат ва садоқатни ҳаёт мезонига айлантирди. Унинг машҳур “Хамса” ва бошқа мерослари жаҳон адабиёти хазинасидан жой олиб, умуминсоний қадриятларнинг тимсоли сифатида хизмат қилмоқда.

2026 йилда улғу бобоклонимиз таваллудининг 585 йиллиги кенг нишонланмоқда. Навоий туркий тилининг (эски ўзбек тилининг) нақадар бой ва қудратли эканини исботлади.

Бобоклонимизнинг 585 йиллиги муносабати билан Али Ақбаев номли умумий ўрта мактабда “Навоий қалб-

ларга зиё сочган зот” мавзусида адабий кеча ўтказилди. Унда шоирнинг газал ва рубойларидан ёд олинди, қўшиқлар ижро этилди. Шунингдек, Ж. Ташенев номидаги университет шафелигида ўтказилган “Навоийхонлик – 2026” халқаро кўрик танловида 10-“Б” синф ўқувчиси Асия Баҳодирова ғолиб бўлиб, II даражали диплом ва совға билан тақдирланди.

Буюк алломанинг 585 йиллигини нишонлашдан мақсад – ўтмишга ҳурмат бажо келтирган ҳолда, келажак авлодга улғувор мерос қолдиришдир. Шу боис, Навоий ўғитлари ҳар биримиз учун ҳаётий йўлчи юлдуз бўлиб қолавереди.

Муниса АҲМАДЖОНОВА,
101-сонли Али Ақбаев номли
ўрта мактаб ўқитувчиси.

»» 3. Бобур таваллудига – 543 йил

МАЪНАВИЯТНИНГ
БЕКЎС ХАЗИНАСИ

Жаҳон тарихида шундай улғу зотлар борки, уларнинг номи асрлар оша барҳаёт, мероси эса ҳар бир давр учун янги маъно касб этади. Ана шундай буюк сиймолардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Унинг бой ижодий мероси неча асрлардан буюн олимлар, адабиётшунослар ва кенг жамоатчилик эътиборида. Бобурни фақат тарихий шахс ёки оддий ҳукмдор сифатида баҳолаш мумкин эмас. У давлат арбоби сифатида ҳам, тарихни қаламга олган мутафаккир сифатида ҳам ўчмас из қолдирди. Унинг шахсиятида сиёсий заковат ва бадиий истеъдод уйғунлашгани боис Бобур мероси бугун ҳам миллий ўзлигимиз ва маънавиятимиз таянчи сифатида қадрланади. Бобур асарларида тарихий воқеалар инсон тақдирини, ички кечинмалар, қувонч ва алам билан уйғун ҳолда ифодаланган.

Бобур ўз кечинмалари, ватан соғинчи ва тақдир синовларини шеърят орқали жуда таъсирчан ифода этган. “Бу дунёда ғамсиз яшамоқ маҳолдир” деган хулоса Бобурнинг ҳаётга, тақдирга ва инсон қисматига бўлган фалсафий муносабатини очиб беради. Ана шундай руҳий тираклик ва ҳаёт ҳақиқатига содиқлик Бобур ижодини асрлар оша қадрли қилиб келмоқда.

Шубҳасиз, Бобур меросининг энг юксак намунаси – “Бобурнома” асаридир. Бу асарни оддий хотиралар тўплами, деб аташ тўғри эмас. У XV-XVI асрлар тарихини ёритувчи ишончли манба, географик ва этнография қомус, шу билан бирга, юксак бадиий қийматга эга адабий ёдгорликдир. Асарда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудлари, халқлар турмуши, урф-одатлари, табиат манзаралари раво ва аниқ тарзда тасвирланган. Энг муҳими, асар орқали биз фақат воқеаларинигина эмас, балки ўша давр руҳини, инсон кечинмаларини, давлат ва жамият тақдирини ҳис қиламиз. Бобур ижодининг яна бир муҳим жиҳати – унинг тил ва адабиёт тараққиётида тугган ўрнидир. У чигатоӣ, яъни эски ўзбек адабий тилида асарлар яратиб, бу тилнинг бадиий имконият-

лари нақадар бой эканини амалда исботлади. Навоий анъаналарини муносиб давом эттирган Бобур газал, рубойи ва насрий асарлари орқали ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди.

Бобурни бошқа тарихий шахслардан ажратиб турадиган энг муҳим фазилат – унинг ростгўйлиги ва самимиятидир. У ўз ютуқларини ҳам, мағлубиятларини ҳам яширмаган. Қийинчиликлар, хатолари, изтироблари ҳақида очиқ ёзган. Ана шу самимийлик уни тарих саҳифаларидаги расмий сиймо эмас, балки унутилмас барҳаёт инсон сифатида намоён этади. Шу жиҳатдан унинг асарлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди, аксинча ўйлашга, хулоса чиқаришга ундайди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижоди, шунингдек, турли маданиятлар ўртасидаги маънавий кўприк вазифасини ҳам бажарган. У асос солган Бобурийлар сулоласи орқали Марказий Осиё маданияти Ҳиндистон заминига кенг ёйилди. Меъморилик, адабиёт, санъат ва давлат бошқаруви соҳаларида юксак ютуқлар қўлга киритилди. Бу ҳолат Бобур меросининг жаҳон тамаддуни учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга эканини намоён этди.

Айни пайтда, Бобур таваллудининг 543 йиллиги нишонланаётган бир даврда, унинг бой илмий ва адабий меросига яна бир бор мурожаат қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бобур ёшлигидан илм-фан, шеърят, ҳарбий иш ва давлат бошқарувида катта қизиқиш билан ёндашган. Мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб, турли синовларни бошидан кечирган бу буюк зот ўзининг иродаси, заковати ва ҳасорати билан тарих саҳнасида ўчмас ном қолдирди.

Муҳтасар қилиб айтганда, бугун Бобур мероси – миллий ўзлигимизни англаш ва маънавиятимизни юксалтириш йўлида мустаҳкам таянч, бебаҳо хазинадир.

Зулфинур РЎЗАҚУЛОВА,
Ж. Ташенев номли университет,
Жаҳон тиллари факультетининг
2-босқич талабаси.

>>> Олимпиада – 2026

РЕКОРДЛАРГА БОЙ МУСОБАҚАЛАР

6 ва 22 февраль кунлари Италиянинг Милан ва Кортина-д Ампецо шаҳарлари XXV қишки Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилди.

2026 йилги ўйинлар Италия тарихидаги тўртинчи Олимпиада бўлди. Миланда эса бундай нуфузли мусобақа илк бор уюштирилди. Яна бир қизиқарли ҳолат – қишки Олимпиада ўйинлари илк бор иккита шаҳарда ўтди. Тўғри, 1984 йилда Сараевода ўтган ўйинларда мусобақанинг очилиши ва ёпилиши бошқа-бошқа шаҳарларда ўтган эди. Ушбу олимпиада ўйинларида 116та медаллар жамланмаси ўйналди, бу 2022 йилга нисбатан 7тага кўпдир.

Италиядаги қишки Олимпиада ўйинларида 93та давлатдан 2900 нафар атлет қатнашди. Унда учта давлат – Бенин, Гвинея-Бисау ва Бирлашган Араб Амирликлари илк бор иштирок этди. Венесуэла, Уругвай, Кения, Сингапур ва ЖАР кўп йиллик танаффусдан сўнг қишки олимпиада ўйинларида иштирокларини давом эттиришди.



МИХАИЛ ШАЙДОРОВ

Михаил Станиславович Шайдоров – 2004 йил 25 июнда Алмати шаҳрида туғилган.

Якка баҳсларда иштирок этадиган қозоғистонлик бадий учиш устаси. Олимпиада чемпиони (2026), жаҳон чемпионатининг кумуш медаль соҳиби (2025), тўрт қитъа чемпиони (2025), Осиё ўйинлари бронза медали соҳиби (2025), беш карра Қозоғистон чемпиони, ёшлар орасида жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби (2022). Халқаро конькичилар уюшмасининг 2023 йил 13 февралдаги рейтингига кўра, 3-ўринни эгаллаб турибди.

МЕДАЛЛАР ҲИСОБИ

Норвегия терма жамоаси норасмий медаллар ҳисоботи қўлга киритилган олтин медаллар (18та) ҳамда жами медаллар (41та) бўйича биринчи ўринни эгаллади. Иккиси ҳам қишки Олимпиада ўйинлари тарихидаги рекорд натижа бўлди. Норвегиялик спортчилар жами медалларнинг 15,5 фоизини қўлга киритишди.

Италия терма жамоаси эса жами ва олтин медаллар бўйича аввалги натижаларини яхшилади. АҚШ терма жамоаси қишки Олимпиада ўйинларида 12та олтин медалга эгаллик қилиб, (муқаддам 10тадан ошмаган) рекорд натижага эришди. Ушбу Олимпиада олтин медаллар ва жами медаллар жамғариш бўйича Франция, Нидерландия ва Австралия жамоалари учун энг яхшиси бўлди. Нидерландия медаллар жамғариш бўйича илк бор кучли учликдан жой эгаллади. Япония эса олтин медаллар бўйича аввалги рекорд натижани (5та) такрорлади, медаллар бўйича эса

(24та) рекордга эришди. Швейцария 23та медалга сазовор бўлиб, ўз тарихида энг яхши кўрсаткичга эришди. Британия эса ўз тарихида илк бор биттадан кўп олтин медалга эришди. Германия 2018 ва 2022 йиллардаги Олимпиада медаллари бўйича 2-ўринни эгаллаган бўлса, Италияда 5-ўрин билан кифояланди.



Бразилия Жанубий Америка давлатлари орасида қишки Олимпиада ўйинларида барча турдаги медалларни қўлга киритган биринчи мамлакат сифатида тарихда қолди. Испания ўз тарихида иккинчи марта (биринчиси 1972 йилда) олтин медалга эгаллик қилди. Қозоғистон ҳам ўз тарихида (биринчиси 1994 йилда) иккинчи марта олтин медални қўлга киритди. Грузия эса қишки Олимпиада ўйинларидаги дастлабки медални қўлга киритди.



2026 ЙИЛГИ ҚИШКИ ОЛИМПИАДА
ЎЙИНЛАРИДА ҚОЗОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАН
36 СПОРТЧИ (18 НАФАР
ЭРКАК ВА 18 НАФАР
ХОТИН-ҚИЗ) 9ТА СПОРТ
ТУРИ БЎЙИЧА
ИШТИРОК ЭТДИ.

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Ўрин	Давлат	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1.	Норвегия	18	12	11	41
2.	АҚШ	12	12	9	33
3.	Нидерландия	10	7	3	20
4.	Италия	10	6	14	30
5.	Германия	8	10	8	26
6.	Франция	8	9	6	23
7.	Швеция	8	6	4	18
8.	Швейцария	6	9	8	23
9.	Австрия	5	8	5	18
10.	Япония	5	7	12	24
19.	Қозоғистон	1	0	0	1

ИТАЛИЯ

Олимпиада мезбони Италия ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этди, 30та медалга сазовор бўлди.



АҚШ – АБСОЛЮТ ЧЕМПИОН

Хоккей баҳслари одатдагидек кескин ва муросасиз кечди. АҚШ эркаклар ва хотин-қизлар жамоаларининг чемпиони бўлиши кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Спорт айнан шундай кутилмаган натижалари билан ҳам одамларни ўзига ром этиб келмоқда.

Хуршид ҚҶЧҚОРОВ.

КУН ТАРТИБИДА – БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИГИ МАСАЛАСИ

Тулкибош тумани Озодлик қишлоғидаги А. Навоий номи умумтаълим мактабида “Өркен” болалар фаровонлигини ошириш миллий илмий-амалий институти ташаббуси билан “Таълим муассасаларида зўравонликнинг олдини олиш дастурининг илмий-амалий асослари” мавзусида маляка ошириш курси ташкил этилди.

Мазкур курс таълим муассасаларида соғлом руҳий муҳит яратиш, ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан замонавий ёндашувларни ўргатишга қаратилди. Иштирокчилар назарий билимлар билан бир қаторда амалий машғулотлар орқали турли вазиятларга ечим топиш, муаммоларни таҳлил қилиш кўникмаларини мустаҳкамладилар.



Курсни муваффақиятли якунлаган 5-“А” ҳамда 6-“А” синф раҳбарлари З. Бахашева ҳамда Ҳ. Холдорова ҳамкасблари учун “Зўравонликка қарши кураш – барчамизнинг вазифамиз” мавзусида қўллаб-қувватловчи коучинг машғулотларини ўтказишди. Уларда зўравонликнинг турлари, олдини олиш чора-тадбирлари, синфда ишончли ва хавфсиз муҳитни шакллантириш масалалари атрофича таҳлил қилинди. Коучинг интерфаол шаклда ташкил этилиб, иштирокчилар гуруҳда ишлаш, фикр алмашиш ва муаммоларни вазиятларга орқали тажриба орттирдилар. Айниқса, ҳар бир синф раҳбарининг ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб бориши,

ота-оналар билан самарали ҳамкорлик ўрнатиши муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мактаб жамоаси ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириб, ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай шароитлар яратишни устувор вазифа сифатида белгиллаган.

Зўравонликнинг олдини олиш – фақат бир мутахассиснинг эмас, балки бутун жамоанинг умумий бурчи эканлиги тадбирда ўз аҳамиятини кўрсатди.

ОТА-ОНАЛАРГА МАЪНАВИЙ ЁРДАМ

Мазкур таълим муассасасида “Қабул қил, англа: алоҳида таълим эҳтиёжлари мавжуд болалар ва ота-оналар” мавзусида йиғилиш ўтди.



Имкониятлари чекланган, алоҳида таълим эҳтиёжлари мавжуд болани тарбиялаётган оилаларга руҳий, ижтимоий ва педагогик қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади – уларнинг жамиятга фаол аралашувини таъминлашга қаратилган ёрдамни ташкил этишдан иборат.

Тадбирда мутахассислар томонидан ота-оналар учун зарур тавсиялар берилди. Болаларнинг таълим жараёнидаги имкониятлари ва уларни қўллаб-қувватлаш дастаклари ҳақида атрофича маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, ҳамкорликда иш олиб бориш орқали ҳар бир боланинг қобилиятини ривожлантириш, уларнинг мактаб ҳаётида фаол иштирокини таъминлашнинг аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Ҳақиқатгўйлик бодиди

- Ҳақиқат баъзан кечикиши мумкин, лекин руҳ ва йўлдан адашмайди.
- Ҳақиқатни айтган одамлар, уни эшитишни истамаганларнинг кўзига эмас, виждонига қараб гапирди.
- Ёлгонга кўниккан жамият учун ҳақиқатгўй одамлар, бамисли таъқиқланган китоблардай доимий кузатувдалар.
- Ҳақиқатгўйлик қаҳрамонлик бўлиши керак, аммо бу фақат китоблардагина узил-кесил тан олинади.
- Ҳақиқатни биладиган одамни ноҳақлик билан тинчлантиришга уриниш, нотўғри муолажа сингари жуда хавфлидир.
- Ҳақиқатни тан оладиган раҳбарларнинг ходимлари орасида лавозимдан ташқари ҳам алоҳида обрўси бўлади.
- Ёлгон билан яшаган одамлар фош бўлиш қидируви билан ҳар куни ўз қўрқувлари олдида жазога тортиладилар.
- Ҳақиқатни айтган одамни асролмасалар ҳам, сотиб юборолмайдилар.

Лола ХУШВАҚТЗОДА.

100 йил умр кўриш учун маслаҳатлар

- Соғлом ва изчил тартибдаги ҳаёт кечириш.
- Қам ейиш, кам ухлаш, кам гапирши.
- Туз, шакар ва ҳайвон ёғини кам истеъмол қилиш.
- Кўпроқ сабзавот ва меваларни, зайтун ёғи, парранда ва балиқ гўшти истеъмол қилиш.
- Спиртли ичимликлар, гулҳанд моддалар, сигарет ва носвойдан воз кечиш.
- Ҳар куни жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш. Кунга камида бир соат яёв юриш.
- Асаббузарлик ва ҳаяжонланшидан сақланиш.
- Ҳаётнинг ҳар бир ёшида ҳам иш фаолияти инсонни толиқтириб қўймаслигига ҳаракат қилиш.
- Танани мунтазам чиқиндилардан тозалаш.
- Қадди-қоматни тўғри сақлаш.
- Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни, уйқуну мўътадиллаштириш.
- Оғирлигини бир меъёрда, бўйининг узунлигига мос равишда ушлаб туриш.
- Баданни меъёрида қувишда чиниқтириш, сувда чўмилиш, очик ҳавода нафас олиш.
- Мунтазам равишда шифокор кўригидан ўтиш.
- Кимёвий дориларни истеъмол қилмаслик.

Сиддикўжа ТОЖИХОНОВ.
“Кексалик ҳикматлари” китоби асосида тайёрлади.

»» Обуначиларимиз орасида

ҚУШҚҮРҒОННИНГ ЯХШИЛИККА ЙЎЛДОШ ОТАХОНИ

ЖАМОАТ ИШЛАРИ ВА ОБУНАДА ФАОЛ ЙЎЛДОШ ҚОСИМОВ – 75 ЁШДА

Қушқўрғон қишлоғи ЎЗМБ раиси, Ўранғай қишлоқ округи медиация ҳайъати ҳамда Саврон тумани жамоатчилик кенгаши аъзоси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, фаол обуначимиз Йўлдош Қосимов оилар султони рамазон ойининг – март ойи биринчи санаси, кўкламнинг илк куни 75 баҳорни қаршилайди.

Йўлдош Қосимов 1951 йили туғилган. Қушқўрғонда, кейин Ўранғай қишлоғидаги М. Аvezов номи мактабда ўрта маълумот олди.

Ҳаётда эришган ютуқлари замирида заҳматкаш устозлари Жўраш Аҳмедов, Обиддин Фахриддинов, Зайнилло Исоков, Иноят Султошева, Йўлдош Мамадалиев, мактаб директори Худойберган Турметовларнинг меҳнатлари бекиёс эканлигини фарзандларига таъкидлаб, ҳурмат билан тилга олади.

1969 йили механизаторлар тайёрлайдиган билим юртини имтиёзли диплом билан битирди. Уша йили Совет Армияси сафига сафарбар қилинди. Ҳарбий хизматни Қарағанди вилоятидаги Приозёрск шаҳридаги қурилиш қисмида сантехник ихтисоси бўйича интизомли ишлаб ўтади. Попк командири И. Ф. Кулик, унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари майор Пискуновлар интизомли «Ташаккурнома» икки марта Й. Қосимовнинг ота-онасига йўлланганлиги, қисқа муддатли таътил ҳамда В. И. Лениннинг 100 йиллиги юбилей медали билан тақдирланганлиги унинг ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаганлигидан далolat.

Ҳарбий хизматдан сўнг 1971 йили қадрдон қишлоғида Жамбил номи колхознинг тўртинчи пахта бригадасида звено етакчиси – механизатор бўлиб иш бошлади. Баланд бўйли, алп гавдали, коммунистик партия аъзоси бўлган механизатор деҳқон йигит бунёдкорлик ғайратини меҳнат майдонида кўрсатди. Эришилган натижалар ва темир интизом учун социалистик мусобақа голиби, коммунистик меҳнат зарбдори, ҳурмат белгиси кўкрак нишонлари билан мукофотланди. Қиш мавсумида қишлоқдаги 18 нафар коммунистларга сиёсий ўқув машғулотлари бўйича сабоқлар ўтган. Бунда ҳурматли устози Обиддин Фахриддиновдан ўққан яхши хислати – моҳир нотик сифатида тингловчилар қалбига ишонч уйғотиб, уларни ўз ортидан зарбдор меҳнат сари эргаштира оларди. Яна бир жамоат вазифаси – Туркистон туман судида халқ вакили бўлиб уч йил



биринчи котиби Рўзакул Холмуродовдан «Москвич» автокўлиги калитини олиб, қувонгани кунни кечагидек ёдида. Пахта бригадасига раҳбарлик қилди, 5 гектар боғ парвариллаб, ҳосилдорликни кўпайтирди.

Суҳбат чоғида мақоламуз қаҳрамони ҳаётининг асосий мақсади – юрт фаровонлиги, қадрдон қишлоғи равнақи эканлигини таъкидлади:

– Мен учун Қозғоғистон, қадрдон Туркистон равнақи, ҳамқишлоқларим фаровонлиги, юртимиз ободлиги биринчи ўринда туради. Қишлоғимиз фаровонлиги учун туман, қишлоқ ҳокимлари Мақсат Танғатаров, Берик Жумаахметули



ган 8 қақирим узунлигидаги таъмирталаб йўл сифатли асфальтланди. Бошқа иншоотлар бунёд этилди. Давлатимизга кўп раҳмат. Вилоят ҳокими Н. Кўшеров билан қишлоғимизда чиқиндиларни қайта ишлайдиган, киймати 7 миллиард тенгелик замонавий янги корхона пойдевори капсуласини бирга қўйганим, хорижий сармоядорларга Қушқўрғон учун теран स्वाжиана қудуқларини қазиб бериш, ёшлар учун замонавий спорт мажмуасини бунёд этиш тақлимиди айтиб, маъқулатганимдан беҳад миннатдорман. Сабр туби – сариқ олтин. Бу яхшиликлар, албатта, қишлоғимизда қарор топиб, кўпчилик манфаатига хизмат қилишига ишончим комил. Туркистонда Ҳазрат Яссавий мақбараси

хонадонларида мутолаа қилишади.

Барча ҳамқишлоқларимни 15 март куни янги бош қосимизни қўллаш бўйича ўтадиган умумхалқ референдумига фаол қатнашишга чорлайман, – дейди Й. Қосимов.

Мақоламуз қаҳрамони назм бобида ҳам қалам тебратди. Устози О. Фахриддинов ташаббуси билан ташкил этилган «Оталар чойхонаси» анжуманининг фаол иштирокчиси ва хомийси. Таҳририят ташаббуси билан ташкил этиладиган барча тадбирларда қатнашиб, масжид ва таълим муассасала-



рида обунани уюшқоқли ташкил этиш бўйича даввати билан қадрли.

Оила – муқаддас кўрғон. 1973 йили Зулфия Абдуҳолиқ қизи билан турмуш курди. Муштарак ҳаётлари давомида Шахло, Маҳлиб, Абдуманноп, Бобомурод, Тўхтамурод исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказди. Улар турли соҳаларда самарали меҳнат билан банд. Ҳусан, Улуғбек исмли куёв ҳамда Мажира, Зухра, Вазира исмли келинлар ҳам хизматда, ҳам иззатда. Улкан, аҳил, пиру бадавлат оиланинг келажаги – 20 невага, 12 эвара камол топмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги ва жамоат ишларидаги самарали меҳнатлари республика, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ миқёсида муносиб тақдирланган. Унинг кўксини безаб турган тўққизта кўкрак нишонни, жуда кўп ташаккурнома ва мақтов ёрлиқлари фикримизнинг далилидир.

Тасвирларда: Й. Қосимов; вилоят ҳокими Н. Кўшеров билан янги корхона пойдеворига капсула қўймоқда; оила даврасида; Арслонбоб зиёратгоҳида; фаоллар билан А. Яссавий мақбараси зиёратиди.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Вилоят, Туркистон шаҳри ва Саврон тумани ЎЗМБ, Ўранғай қишлоқ ҳокимлиги, ҳамқишлоқлари, шоғирдлари, оила-аъзолари Йўлдош Қосимовни 75 ёш шукронаси тантанаси ила муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, кенг қамровли жамоат ишларида омад, оилавий ҳаловат, фарзанд, невага, эвара, чеваралар камолни умр йўлдоши Зулфия Абдуҳолиқ қизи билан бирга кўриш саодатини тилайди. 35 ёш арафасидаги «Жанубий Қозғоғистон» таҳририяти фаол муштарийсизга аталган шу холис ниятлар ижобатига тилақдош.



хизмат қилган. Туман раҳбари Муҳаммадрасул Исоқовдан, колхоз маъмуриятдан олган фахрий ёрлиқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида эришган ютуқлари, юксак ҳосилдорлик учун туман партия кўмитаси

иштирокидаги нуфузли йиғилишларда муаммоларни тилга олиб, ечимини масала этиб қўйишни асосий вазифам, деб билдим. Қушқўрғонда янги мактаб, тиббиёт амбулаторияси бунёд этилди, қишлоғимиздан марказий тошйўлга элтади-

бунёд этилганига 630, унинг хомийси – ташкилотчиси соҳибқирон А. Темур таваллудига 690 йил тўлмоқда. Ёшларга зиёрат маданиятини ўргатишимиз лозим.

«Жанубий Қозғоғистон» нашрини ҳамма фарзандларим



Воҳдайт

КИМКИ ҲАР КИМГА ВАЪДАЕ ҚИЛДИ,
ШАРТ ЭРУР ВАЪДАГА

ВАФО ҚИЛМОҚ.
ВАЪДАКИМ ҚИЛДИНГ

УЙЛАДУРКИМ ДАЙН,
ФАРЗДУР ҚАРЗНИ АДО ҚИЛМОҚ.

(«Ал-ваъдату дайну» ҳадисининг Ҳазрат томонидан шеърий шаклга келтирилган кўриниши).

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: «Бировга ваъда берган киши уни адо этмоғи фарздир»).



ОРАНГИЗДА ЧАҚИМЧИ БОР

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом даврларида ёмғир дуосига чиқибди. Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар, аммо ёмғир ёлмади. Бунинг сабаби ва ҳикмати сўраб, Аллоҳга ёлвордилар:

– Ё Аллоҳ, дуо қилдим, ижобат этмадинг.

Шунда Аллоҳ таолодан нидо келди:

– Эй Мусо, орангизда чақимчи бор, инсонларнинг айбини ёйиб юривчилар бор.

– Ё Аллоҳ! – дедилар Мусо алайҳиссалом. – ўша одамнинг кимлигини билдир. Орамиздан чиқарайлик.

– Унинг кимлигини сизга айтиб мен ҳам чақимчи бўлайинми? – жавоб бўлди илоҳий даргоҳдан.

Манба: «Ирфон тақвими».



«АГАР БИРОР ЕРДА КИЧИКЛАРНИНГ СОЯСИ КАТТАЛАШСА, ДЕМАК, У ЕРДА ҚУЁШ БОТАЯПТИ.
ХИТОЙ МАҚОЛИ.



Ҳадеб қийинчиликни ўйлаверсанг, ўша бошинга тушади. Яхшилик ҳақида ўйлаверсанг, тезда у ҳам келади.

Бу худди сеҳрга ўхшайди. Масалан, «Ухладим, ухладим», деяверсанг, ухлаб қоласан. «Мен касал бўлдим» деяверсанг, касалликка чалинасан. «Шифо топдим» деяверсанг, шифо топасан. «Куним битди» деяверсанг, охирида қоласан. Ироданинг аланга мисол сеҳри барча нарсани рўёбга чиқаради.

Доктор Мустафо МАҲМУД.

Нега одамлар сизга ҳасад қилишади? Нега улар сизга маслаҳат беришади? Ёки бундан ҳам ёмони, улар пой чапашга уринишади?

Бир ишни яхши билган қилади, оз билган маслаҳат беради, умуман билмаганлар танқид қилади, қила олмаганлар эса пой чаплайди!

Ҳакан МЕНГУЧ.



»» Таботат

ЖИГАР – ИНСОН ТАНАСИННГ ҲИМОЯ ҚАЛҚОНИ

У қонни тозалайди, заҳарли моддаларни чиқаради ва ҳар бир ҳужайрага ҳаёт беради. Аммо замонавий турмуш тарзи – фастфудлар, стресс, дори воситалари ва нотўғри одатлар уни ишдан чиқаради.



Вақт ўтиб, жигар оғриқ билан эмас, белгилар билан дарак беради:

Чарчоқ ва уйқучанлик
Терининг сариқ
Тусга кириши
Овқат ҳазм бўлмалиги
Кайфиятнинг тушиши.

5 КАСАЛЛИК ҚАҲВАДАН КЎРҚАДИ

Қаҳвани дори дея олмаймиз. Лекин, мунтазам ичадиганлар ушбу хавфли бўлган 5 касалликка чалинишмайди, булар:

- Жигарнинг шикастланиши;
- Қандли диабет 2-тури;
- Юрак касалликларини ушбу хавфли бўлган 5 касалликка чалинишмайди, булар:
- Саратон;
- Паркинсон ва Альцгеймер касалликлари.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБЕКОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомираза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларидаги фикр ҳамда далилларнинг тўричилиги учун муаллифлар, режам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY0022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR»нинг МЧБ босмахонасида chop этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.kz

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Бўғимма 433.

Адади – 10700 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ.ЮНОВА.